

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**796 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолияти-  
ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-  
сида**

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон Фармонига мувофиқ ҳамда мамлакатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг энг муҳим вазифаларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (кейинги ўринларда Ҳисоб палатаси деб юритилади):

олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи ҳисобланади;

ўз ваколатларини мустақил ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ҳамда унга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз фаолияти, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича тизимли равишда ахборот бериб боради.

2. Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчи, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини амалга ошириш;

иккинчи, бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш;

учинчи, бюджет тизими бюджети ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш, бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

тўртинчи, солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, тизимли қонунбузарликларнинг сабаблари ҳамда ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий қилиш;

бешинчи, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятлари белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олтинчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи бўйича давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни амалга оширишнинг тўлиқлиги ва самарадорлиги бўйича назоратни ташкил этиш;

еттинчи, Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бошқариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш.

### 3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тузилмаси ва штатлар жадвали 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимларининг чекланган сони 70 нафар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) ходимларининг сони 41 нафар миқдорда белгилансин.

Ҳисоб палатаси раисига зарур ҳолларда Ҳисоб палатасининг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 5. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади;

Инспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади ҳамда мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

### 6. Ҳисоб палатасига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базасига кириш;

ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларга уларнинг

маълумотлар базасидаги номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисида ба-  
жарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

Давлат бюджети даромадлари прогнозининг тўғрилигини баҳолаш, со-  
лиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанли-  
гини ва солиққа тортиш объектларининг тўлиқ ҳисобга олинишини таъмин-  
лаш бўйича ўтказиладиган назорат тадбирларига молия, солиқ ва бошқа  
органларнинг ходимларини жалб этиш;

назорат тадбирлари натижалари бўйича қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни  
қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва ташки-  
лотларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, самарасиз солиқ ҳамда  
божхона имтиёзларини бекор қилиш, солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ со-  
линадиган базанинг тўлиқ қамраб олинганлигини яхшилашга қаратилган  
солиқ ставкаларини ўзгартириш юзасидан таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси-  
га, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳудудий давлат со-  
лиқ ва молия органлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари-  
ни қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

7. Солиқ ва молия органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва  
уларнинг масъулиятини ошириш учун фаолиятини баҳолаш тартиби тўғри-  
сида низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда  
маълумотлар базасига Ҳисоб палатасига кириш ҳуқуқи бериладиган давлат  
органлари ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқласин.

9. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Мар-  
казий банки, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда реал  
вақт режимида солиқ солинадиган базани, солиққа тортиш объектлари тўлиқ  
ҳисобга олинганлигини солиқ органлари ва бошқа органлар, шунингдек банк-  
ларнинг маълумотлар базасини солиштириш орқали баҳолаш имконини бе-  
рувчи дастурий комплексни ишлаб чиқсин ва ишга туширилишини таъмин-  
ласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси:  
икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан  
биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг харажатлар  
сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритсин;

Ҳисоб палатасини Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бино-  
лари мажмуасига жойлаштирсин;

Ҳисоб палатасини зарур мебель, компьютер техникаси, инвентарь ҳамда  
бошқа моддий-техника воситалари билан таъминласин.

11. Ҳисоб палатаси ходимларига нисбатан 2018 йил 1 январдан бошлаб  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрда-  
ги 312-сон қарорининг амал қилиши татбиқ этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 5-ило-  
вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия

вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган, шу жумладан Ҳисоб палатасига маълумот тақдим этмаганлик ёхуд била туриб нотўғри маълумот тақдим этганлик, унинг тақдимномаларини бажармаганлик, шунингдек фаолиятига аралашганлик ҳамда юклатилган вазифалар ва функцияларнинг конуний ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида унинг ходимларига ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари В.А. Голишев, У.С. Исмаилов ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари К.В. Акмалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 10 август,  
ПФ-5147-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

796-модда

### Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ТУЗИЛМАСИ



— 16 —

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимларининг умумий сони 70 та штат бирлигини ташкил этади.

32 (792)-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 10 августдаги  
ПФ–5147-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг  
ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ**

Лавозимлар номи	Бирликлар сони
Ҳисоб палатаси раиси	1
Раиснинг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи	1
Раис ўринбосари	1
<b>Қўшимча даромад манбаларини аниқлаш ахборот-таҳлил шўъбаси</b>	<b>10</b>
Шўъба мудири	1
Бош инспектор	2
Етакчи инспектор	6
Инспектор	1
<b>Солиқ, молия органлари ва солиқ тўловчилар билан ишлаш шўъбаси</b>	<b>30</b>
Шўъба мудири	1
Бош инспектор	7
Етакчи инспектор	21
Инспектор	1
<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини бажаришда ижро интизомига риоя этилишини назорат қилиш шўъбаси</b>	<b>12</b>
Шўъба мудири	1
Бош инспектор	2
Етакчи инспектор	8
Инспектор	1
<b>Бюджет тизими бюджетларини шакллантирилиши ва харажат қисмини ижро этилишини назорат қилиш шўъбаси</b>	<b>10</b>
Шўъба мудири	1
Бош инспектор	2
Етакчи инспектор	6
Инспектор	1

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Лавозимлар номи	Бирликлар сони
<b>Пул-кредит ва валюта сиёсати шўъбаси</b>	<b>5</b>
Шўъба мудири	1
Бош инспектор	1
Етакчи инспектор	2
Инспектор	1
<b>Жами:</b>	<b>70</b>

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 10 августдаги  
ПФ–5147-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (кейинги ўринларда — Ҳисоб палатаси) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш асосларини белгилайди.

2. Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

3. Ҳисоб палатаси ўз ваколатларини мустақил ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ҳамда унга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдордир.

4. Ҳисоб палатаси олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи ҳисобланади, ўзининг баҳолашида мустақил ва холис, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда — Давлат бюджети), давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси) қарорларига асосан ташкил этилган бошқа жамғармаларга тушумларни тўлиқлиги, мақсадли ва самарали шаклланиши ва ижро этилишини, давлат активлари ва пасивлари ҳолати ва ҳаракатини, олтин-валюта захиралари ҳамда ташқаридан жалб қилинган маблағларни қайта тўлдирилиши, бошқа-

рилиши ва тасарруф этилиши устидан мониторинг ва давлат назоратини амалга оширади.

5. Ҳисоб палатасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини давлат органлари ва мулкчилик шакли ва бўйсунувидан қатъий назар ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Ҳисоб палатаси ўзига юклатилган функцияларни қонунийлик, холислик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари асосида амалга оширади.

## **2-боб. Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари ва функциялари**

7. Қўйидагилар Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш;

бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш, бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш;

солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, тизимли қонунбузарликларнинг сабаблари ҳамда ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий қилиш;

республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятлари белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи бўйича давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни амалга оширишнинг тўлиқлиги ва самарадорлиги бўйича назоратни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бош-



қариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш.

8. Ҳисоб палатаси ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини амалга ошириш соҳасида:

макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари лойиҳасини олиб борилаётган сиёсат ҳамда қабул қилинган республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурларининг устувор йўналишларига мувофиқлигини танқидий баҳолаш;

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг шакллантирилиши ва ижро этилишини тармоқ ва ҳудудлар кесимида моддалар, омиллар бўйича таҳлил қилиш;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджети лойиҳаси ҳамда келгуси йил солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича ҳулоса бериш;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг бюджетлари шакллантирилиши ва ижро этилиши бўйича назорат ва мониторингни амалга ошириш;

давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларнинг тўлиқ ва самарали бажарилишини ҳамда уларни молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини текшириш;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ва баҳолаш, улар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳулосалар тақдим этиш;

б) бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш соҳасида:

солиқлар турлари ва ҳудудлар кесимида солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилиш, унинг тармоқ ва ҳудудлар кесимида пасайишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг оқибатларини аниқлаш;

ёқилғи-энергетика ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш мажмуалари, истеъмол бозори, савдо, қурилиш соҳалари ва бошқа даромад келтирувчи тармоқларнинг корхоналари фаолиятининг бюджет тизими бюджетларига қўшимча тушумлар захираларини аниқлашга йўналтирилган таҳлилини амалга ошириш;

солиқ солиш тизими, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаларининг ишончилигини баҳолаш;

худудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ тўлаш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослилигини баҳолаш;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ камраб олиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, манзилли йўналишлар ва назорат дастурларини, шу жумладан солиқ ва бошқа молия органларининг ахборот тизимлари маълумотларини таҳлил ва мониторинг қилиш асосида шакллантириш;

даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш ва бажариш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлиги ва солиқ тўловчилар ҳисобининг тўлиқлигини таъминлашда молия ва солиқ органларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш чораларини кўриш;

давлат мулкани сотиш билан боғлиқ бўлган масалаларни таҳлил қилиш ва назоратини таъминлаш;

в) бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш, бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш соҳасида:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг харажат қисмини шакллантириш ва ижро этилиши бўйича мониторингни амалга ошириш;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш;

Давлат бюджетини ижро этилиши, давлат маблағларини бюджет тизими бюджетларининг барча даражаларида сарфланиши устидан назоратни ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда давлат харажатларини қисқартириш захираларини аниқлаш;

молия органлари, шу жумладан вазначилик бўлинмалари томонидан бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилиш функцияларини бажарилишининг самарадорлигини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлигининг банк ҳисоб рақамларидаги маблағларни шакллантириш, мақсадли ва самарали фойдаланишнинг қонунийлигини текшириш ва назорат қилиш;

г) солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, тизимли қонунбузарликларнинг сабаблари ҳамда ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий қилиш соҳасида:

ўзига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида аниқланган бюджет қонунчилиги бузилиш ҳолатларини ҳисобга олиш ва классификациялаш;

назорат тадбирлари натижаларини, шу жумладан бюджет қонунчилиги бузилиш ҳолатларини, бундай ҳолатларга олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш;

солиқ ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатларини ва бундай ҳолатларга олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш, солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳамда уларнинг ставкаларини ўзгартириш бўйича таклиф тайёрлаш,

бюджет қонунчилиги меъёрларини амалга оширилишини мониторинг қилиш ва бюджет жараёнидаги фарқларни аниқлаш;

бюджет жараёни ва бюджет қонунчилигини халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш;

д) республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятлари белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари шаклланиши ва ижро этилишини, уларнинг баланслигини мунтазам таҳлил қилиш ва текшириш;

юқори ва қуйи бюджетлар ўртасида ўрнатилган умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари, бюджетлараро трансфертлар ажратилишининг асослигини ўрганиш;

юқори ва қуйи бюджетлар ўртасида харажатлар бўйича мажбуриятлар белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш учун уларни реал молиявий маблағлар билан таъминлаш вазифасини ҳал этиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, барча даражалардаги бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи бўйича давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республика-

си Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни амалга оширишнинг тўлиқлиги ва самардорлиги бўйича назоратни ташкил этиш соҳасида:

бажарилиши устидан назорат Ҳисоб палатасига юклатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларнинг маълумотлар базасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни амалга оширилиши устидан жорий мониторинг ва назоратни ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича берилган ваколатлар доирасида чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни бажарилиши бўйича вазирлик ва идораларнинг маълумотларининг асослилигини бирламчи ҳужжатлар асосида текшириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни бажарилиши юзасидан ўтказиладиган мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритиш.

ж) Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бошқариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш соҳасида:

миллий валютани мустаҳкамлаш, уни харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул агрегатларини мақбуллаштириш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

республикани ташқи савдо айланмаси аҳволини таҳлил қилиш, республика тўлов балансини шакллантириш ва ундан фойдаланишини баҳолаш;

товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозини бажарилиши, маҳсулотлар импортини мақбуллаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ички валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, миллий валютанинг эркин алмаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ташқаридан олинадиган қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, олинадиган хорижий кредит ва грант маблағларидан самара-

ли ва оқилона фойдаланилишини, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки Ўзбекистон Республикасининг Давлат кафолати остида олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини қаттиқ назорат қилиш;

олтин-валюта захираларининг тикланиши ва ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва уларни хорижий банкларда самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш;

валюта, экспорт ва импорт операциялари ўтказилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш;

давлат қарзини самарали бошқариш бўйича мониторинг ўтказиш, уларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат қилиш.

Ҳисоб палатаси қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифа ва функцияларни амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Ҳисоб палатасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Ҳисоб палатаси ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлардан ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича материаллар ва маълумотларни сўраб олиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базасига кириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкдан давлат маблағларини банк ҳисоб рақамларидаги ва ягона ғазна ҳисобварағидаги ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни сўраб олиш;

текшириш ўтказиш ва унинг натижалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

текширишлар ўтказиш учун ўз ваколати доирасида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудитор хизматлари ва алоҳида мутахассисларни жалб қилиш;

Давлат бюджети даромадлари прогнозининг тўғрилигини баҳолаш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлиги тўлиқлигини ва солиққа тортиш объектларининг тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича ўтказиладиган назорат тадбирларига молия, солиқ ва бошқа органларнинг ходимларини жалб этиш;

Ҳисоб палатаси ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича текширилаётган ташкилотнинг мансабдор шахсларидан ёзма тушунтиришлар олиш;

назорат тадбирлари натижалари бўйича қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, самарасиз солиқ ҳамда

божхона имтиёзларини бекор қилиш, солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ солинадиган базанинг тўлиқ қамраб олинганлигини яхшилашга қаратилган солиқ ставкаларини ўзгартириш юзасидан таклифлар киритиш;

ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларга уларнинг маълумотлар базасидаги номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳудудий давлат солиқ ва молия органлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиб олиниши белгиланган барча масалалар бўйича тегишли хулосалар бериш.

10. Ҳисоб палатаси қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

юклатилган вазифа ва функцияларни сифатли бажарилишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф ва масалаларни киритилишида миллий ва давлат манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этиш**

11. Ҳисоб палатасининг тузилмаси, штатлар жадвали ва Низоми Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

12. Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган ҳамда кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланадиган раис бошчилик қилади.

Ҳисоб палатасининг раиси Ҳисоб палатаси раиси йўқлигида унинг фаолиятига раҳбарлик қиладиган иккита ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

13. Ҳисоб палатасининг раиси:

Ҳисоб палатаси фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади;

Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича текширишлар ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Ҳисоб палатаси томонидан қабул қилинган қарорларни ижроси юзасидан назоратни ташкил этади;

Ҳисоб палатаси фаолиятига тегишли масалаларни кўриб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва унинг қўмиталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий мажлиси палаталарига Ҳисоб палатасининг фаолияти бўйича йиллик ҳисоботларни тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига Ҳисоб палатасининг, шу жум-

ладан Давлат бюджетига тушумларни тўлиқлигини таъминлаш бўйича фаолияти тўғрисида тизимли равишда маълумот бериб боради;

берилган ваколатлари доирасида бошқа вазифаларни амалга оширади.

14. Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари:

мазкур Низом билан белгиланган вазифа ва функцияларига мувофиқ Ҳисоб палатаси фаолиятининг аниқ йўналишларини амалга оширилиши бўйича масъул бўлган мансабдор шахс ҳисобланади;

ўз ваколати доирасида ўзлари бошчилик қиладиган йўналишлар фаолиятини ташкил этиш масалаларини мустақил ҳал қилади ва унинг натижаси учун шахсан жавобгар бўлади;

Ҳисоб палатаси фаолиятига тегишли масалаларнинг кўриб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталарининг йиғилишларида, Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари ҳайъатлари ва бошқа давлат органлар мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга;

ўқитувчилик ва илмий фаолиятдан ташқари тижорат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

15. Мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ҳисоб палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисига, раиснинг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Давлат маслаҳатчисининг ўринбосарига, Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Президент девонининг тегишли ходимларига тенглаштирилади.

16. Ҳисоб палатаси ходимларига лавозим маошларига нисбатан қуйидаги коэффициентлар қўлланилган ҳолда ҳар ойлик устамалар тўланади:

қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган алоҳида меҳнат шароитлари учун 0,2 миқдорида;

узоқ муддатли узлуксиз иш стажини учун қуйидаги миқдорларда: 5 йилдан 10 йилгача — 0,1; 10 йилдан 15 йилгача — 0,15; 15 йилдан 20 йилгача — 0,25; 20 йилдан 25 йилгача — 0,35; 25 йилдан ортиқ -0,45 рағбатлантириш коэффициентлари қўшилган ҳолда.

17. Ҳисоб палатаси ходимлари учун аввалги иш жойида берилган узоқ муддатли хизматлари, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун қўшимча тўлов ва устамалар сақлаб қолинади.

18. Ҳисоб палатаси ходимлари учун аввалги иш жойи бўйича белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан, Ҳисоб палатасида амалда бўлган меҳнат шароитларини ҳисобга олган ва лавозим маоши ҳамда бошқа тўловлар миқдори сақланган ҳолда фойдаланади.

19. Ҳисоб палатасида ишланган даври ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

20. Ҳисоб палатасида иш фаолияти даврида ҳарбий ва махсус унвонлар бериш олдинги иш жойи бўйича кўзда тутилган тартибда тегишли ҳарбий

ва махсус унвонлар бериш учун зарур бўлган муддатлар ўтгандан сўнг амалга оширилади.

21. Ҳисоб палатаси ходимларига уларнинг меҳнат фаолияти тугатилгандан сўнг муқаддам эгаллаган ёки унга тенг лавозим берилиши кафолатлари таъминланади, бундан ходимнинг малакаси етишмаслиги ёки соғлиги ҳолати бўйича эгаллаб турган лавозимига нолайиклиги ёхуд меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги учун меҳнат фаолияти тугатилган ҳоллар мустасно.

22. Ҳисоб палатаси фаолиятининг ички масалалари, масъул ходимлари ўртасидаги вазифалар тақсимоли, иш юритиш тартиби, назорат тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш Ҳисоб палатаси раиси томонидан тасдиқланган Ҳисоб палатаси Регламенти билан тартибга солинади.

23. Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини, Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан амалий тизимли назоратни таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда шакллантириладиган йиллик назорат ишлари дастури асосида ташкил этади. Назорат ишлари дастури Ҳисоб палатаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати ва Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

24. Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси палаталарига тақдим этилади.

25. Ҳисоб палатаси тақдим этилган ваколатлари доирасида хорижий давлат олий молиявий назорат органлари ва уларнинг халқаро бирлашмалари билан алоқаларни ўрнатади, улар билан ҳамкорлик тўғрисида келишувлар тузиш ҳуқуқига эга.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

26. Ҳисоб палатасининг моддий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президент девони Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

27. Ҳисоб палатасининг кўрсатма ва тақдимномаларини бажармаслик, маълумот тақдим этмаслик ёхуд била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ҳисоб палатаси фаолиятига аралаштириш ҳамда юклатилган вазифа ва функцияларни қонуний ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида унинг ходимларига ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

28. Ҳисоб палатасини қайта ташкил ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 10 августдаги  
ПФ–5147-сон Фармониغا  
4-ИЛОВА

**Солиқ ва молия органлари раҳбарларини моддий  
рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш учун  
фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом солиқ ва молия органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш учун фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда раҳбар сифатида:

солиқ органларида ҳудудий солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

молия органларида ҳудудий молия органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари назарда тутилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**даромадлар прогнози** — солиқ ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан даромад манбалари кесимида уларнинг солиқ солинадиган базасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилган бюджет даромадларининг йиғма кўрсаткичлари;

**тушумларни ошириш захиралари** — молия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси томонидан таҳлиллар (ўрганишлар) натижасида аниқланиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланган солиққа тортиш объектлари.

4. Солиқ ва молия органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва уларга интизомий жазо қўллаш ҳар бир ҳисобот чораги давомида уларнинг лавозим маошига нисбатан устама ёки жарима белгилаш орқали амалга оширилади.

5. Моддий рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор:

солиқ органларининг раҳбарлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси;

молия органларининг раҳбарлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан қабул қилинади.

6. Солиқ ва молия органлари раҳбарларига тўланадиган устама пуллари молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобланади.

**2-боб. Солиқ ва молия органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш учун фаолиятини баҳолаш мезонлари**

7. Қўйидагилар солиқ органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо қўллаш учун улар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

умидсиз ва муддати узайтирилган солиқ қарзини ҳисобга олмаган ҳолда солиқларнинг йиғилувчанлигини камида 90 фоиз миқдорида бўлишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар прогнозини бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларни ошириш бўйича аниқланган захирани камида 50 фоизини ундирилишини таъминлаш.

8. Қўйидагилар молия органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо қўллаш учун уларнинг фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

жисмоний шахснинг мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, акциз солиғи, ягона солиқ тўлови ва бозорларнинг даромади ҳисобидан ҳисобот чорагидаги тегишли жами тушумнинг 3 фоизи миқдорида қўшимча тушумлар захирасини аниқлаш;

тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва ижтимоий нафақаларни молиялаштиришнинг тўлиқлиги.

9. Мезонларнинг ҳисоб-китоби тегишли ҳисобот чораги учун амалга оширилади.

**3-боб. Солиқ ва молия органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва уларга интизомий жазо қўллаш тартиби**

10. Лавозим маошига нисбатан устама миқдорлари қўйидаги нисбатларда ўрнатилади:

а) солиқ органларининг раҳбарлари учун:

бир вақтнинг ўзида мазкур Низомнинг 7-бандида келтирилган барча мезонлар бажарилган ҳолатда 20 фоиз миқдорида;

мазкур Низомнинг 7-бандида келтирилган иккита мезон бажарилган ҳолатда 10 фоиз миқдорида.

б) молия органлари ходимлари учун:

бир вақтнинг ўзида мазкур Низомнинг 8-бандида келтирилган барча мезонлар бажарилган ҳолатда 20 фоиз миқдорида;

мазкур Низомнинг 8-бандида келтирилган иккита мезон бажарилган ҳолатда 10 фоиз миқдорида.

11. Лавозим маошига нисбатан жарима миқдори қўйидаги нисбатларда ўрнатилади:

а) давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари учун:  
бир вақтнинг ўзида мазкур Низомнинг 7-бандида келтирилган барча мезонлар бажарилмаган ҳолатда 20 фоиз миқдорида;  
мазкур Низомнинг 7-бандида келтирилган иккита мезон бажарилмаган ҳолатда 10 фоиз миқдорида.

б) молия органлари ходимлари учун:  
бир вақтнинг ўзида мазкур Низомнинг 8-бандида келтирилган барча мезонлар бажарилмаган ҳолатда 20 фоиз миқдорида;  
мазкур Низомнинг 8-бандида келтирилган иккита мезон бажарилмаган ҳолатда 10 фоиз миқдорида.

12. Жарима Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 182-моддасига асосан қўлланилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

13. Мазкур Низомнинг 7 ва 8-бандларида келтирилган барча мезонлар бажарилганлиги учун тегишли бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳудудий солиқ ва молия органларининг масъул ходимларига ҳар чорак якуни бўйича лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида мукофот тўланади.

14. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 10 августдаги  
ПФ–5147-сон Фармониغا  
5-ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган айрим Фармонлари РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 февралдаги «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» ПФ–1923-сон Фармонининг 4 ва 5-бандлари, шунингдек унинг иловаси;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» ПФ–3093-сон Фармонининг 1-банди иккинчи — тўртинчи хатбошилари ва 4-банди;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» ПФ–3592-сон Фармони.